

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Олий таълимдан кейинги таълим институтига 2024 йил учун қабул квоталари тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023-йил 31-августдаги 01-03/2778-сон хатларига асосан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Олий таълимдан кейинги таълим институтига 2024 йил учун қабул квоталарини эълон қилади.

**Ихтисосликлар доирасида Ўзбекистон халқаро ислом академиясига
2024 йил учун умумий квота тақсимоти**

№	ИХТИСОСЛИКЛАР	Докторантура		Мақсадли		Стажёр-тадқиқотчилик
		(PhD)	(DSc)	(PhD)	(DSc)	
1	24.00.01. Ислом тарихи ва манбашунослиги	3	-	1	-	1
2	24.00.02. Қуръоншунослик Ҳадисшунослик	4	-	1	-	1
3	24.00.03. Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт	2	-	2	-	1
4	24.00.04. – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги	3	-	-	-	-
5	07.00.04. Диншунослик	3	-	-	-	-
6	19.00.07. Дин психологияси	2	-	-	-	1
Жами:		17		4		4

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

Таянч докторантура, стажёр-тадқиқотчилик институтига:

- Ариза (илова қилинади);
- қисқача биографик маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи (тасдиқланган иловалари билан);
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати(3-4 шакл), шунингдек уларнинг нусхалари (камида 1 та ОАК мақола, 2 та тезис);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхаси;
- Тил сертификати

Докторантурага:

- Ариза (илова қилинади);
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати(3-4 шакл), шунингдек уларнинг нусхалари (камида 3 та ОАК мақола, 2 та тезис);
- Тил сертификати

Мустақил изланувчиликка:

- Ариза (илова қилинади);
- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик диплом нусхаси(тасдиқланган иловалари билан);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати(3-4 шакл), шунингдек уларнинг нусхалари (PhD камида 1 та ОАК мақола, 2 та тезис; DSc 3 та ОАК мақола, 2 та тезис);
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома;
- Тил сертификати

Хужжатлар 2023 йил 15 сентябрдан 15 октябргача phd.mininnovation.uz сайти орқали қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

Мурожаат учун телефон: (71) 244-00-56. Факс (71) 244-00-65.

1- илова

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ректори М.М.Камиловга
Сурхондарё вилояти, Термиз тумани
Мустақиллик кўчаси 27-уйда
яшовчидан

АРИЗА

Менга, 2024 йил учун таянч докторантура, (мақсадли таянч докторантура) (PhD), докторантура (DSc), стажёр-тадқиқотчиликка эълон қилинган танловда иштирок этишга рухсат беришингизни сўрайман.

Исм-фамилия

имзо

сана